

**ФЁДОР ДОСТОЕВСКИЙНИНГ “ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО” РОМАНИДА
РАСКОЛЬНИКОВ ВА ПОРФИРИЙ ПЕТРОВИЧНИНГ УЧ
УЧРАШУВИ**

Нодир Нормуродович РАМАЗОНОВ

Филология фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори
доцент

Тошкент давлат юридик университети
Тошкент, Ўзбекистон
n.ramazanov@tsul.uz

Аннотация

Мақолада Фёдор Достоевскийнинг “Жиноят ва жазо” романидаги Родион Раскольников ва терговчи Порфирий Петровичнинг уч учрашуви ҳақида сўз боради.

Таянч сўзлар: жиноят, жазо, психологик ҳужум, ҳуқуқ, адабиёт, тергов услублари.

**ТРИ ВСТРЕЧИ РАСКОЛЬНИКОВА И ПОРФИРИЯ ПЕТРОВИЧА В
РОМАНЕ «ПРЕСТУПЛЕНИЕ И НАКАЗАНИЕ» ФЕДОРА
ДОСТОЕВСКОГО**

Нодир Нормуродович РАМАЗАНОВ

доктор философии по (PhD) филологическим наукам
доцент

Ташкентский государственный юридический университет
Ташкент, Узбекистан
n.ramazanov@tsul.uz

Аннотация

В статье рассказывается о трех встречах Родиона Раскольникова и следователя Порфирия Петровича в романе Федора Достоевского «Преступление и наказание».

Ключевые слова: преступление, наказание, психологическая атака, право, литература, следственные методы.

Ф.М.Достоевскийнинг “Жиноят ва жазо” романида камбағал талаба Родион Раскольников ва терговчи Порфирий Петрович шахсан уч марта учрашадилар: биринчи учрашув Порфирий Петровичнинг квартирасида (3-қисм, V боб); иккинчи учрашув Порфирийнинг ишхонасида (4-қисм, V боб); учинчи учрашув Раскольниковнинг хонасида (6-қисм, II боб) рўй беради.

Маълумки, “Жиноят ва жазо”ни муаллиф 1865 йилнинг августида хорижда ёзишни бошлаган. Романнинг ғоявий йўналиши ҳақида гап кетганда, ёзувчининг 1865 йил 10-15 сентябрда публицист Михаил Катковга

ёзган мактубининг нусхаси сақланиб қолган бўлиб, унда деярли тугалланган асарнинг сюжети ҳақида маълумот берилган ва уни “Русский вестник” журналида нашр этиш ҳақида таклиф билдирилган. Ўз мактубида Достоевский романнинг мазмуни ва асосий ғоясини университетдан ҳайдалган, ўта қашшоқликда яшаётган йигитнинг “бир жинояти ҳақидаги психологик ҳисобот” сифатида белгилайди. Ўз тушунчаларидаги беқарорлик оқибатида у баъзи ғалати “тугалланмаган” ғояларга берилиб кетади, уларга чин эътиқод билан эргашади. “У онаси ва синглисини хурсанд қилиш учун фоиз эвазига пул берадиган кампирни ўлдиришга қарор қилади”, деб ёзган эди ўз мактубида Достоевский [1]. Кейин эса университетни тугатиб, чет элга чиқиб, “башарият олдидаги инсоний бурчимни адо этишда бутун умрим давомида ҳалол, қатъият ва тиришқоқлик билан киришишим мумкин”, деб ҳисобларди Раскольников.

Мана шу нуқтада жиноятнинг бутун психологик жараёни содир бўлади. Қотил олдида ҳал қилиб бўлмайдиган саволлар туғилади, унинг қалбини кутилмаган ва туйқус, олдин мудраб ётиб, жиноят содир этилгандан кейин ногаҳоний бош кўтарган туйғулар азоблайди. Яратганнинг ҳақиқати – ахлоқий қонуннинг мутлақлиги ҳамда ердаги қонунларнинг кучи унга ўз таъсирини ўтказиши ва у охир-оқибат ўзини қоралашга мажбур бўлади. Жазо нуқтаи назаридан у ўлимга лойиқ, лекин яна инсониятга қайта кўшилиши азоби; жиноят содир этилгандан сўнг у дарҳол ҳис қилган кашфиёт ва инсонийликдан ажраб қолиши олдидаги кўрқув ҳисси уни қийнайди. Мутлақ Ҳақиқат қонунига қарши бориш ва инсон табиатининг унга қаршилиқ кўрсатиши унинг виждонини ўлдирди. Жиноятчининг ўз қилмишини тўла англаб етиши ва қилмиши учун товон тўлаши учун бир буюк *Азобга* эҳтиёж бор эди ва қаҳрамон ушбу Азобни қабул қилиши керак эди. Айнан ушбу жараён воқеланишида Порфирий Петрович образи ва унинг жиноятни тергов қилишда қўллаган тактикасининг аҳамияти беқиёсдир.

Роман давомида бош қаҳрамон Родион Раскольниковнинг ички коллизиялари, қўналғаси унинг қалби бўлган ўз туғма фитрати ва

“тугалланмаган” ғояларга берилиб кетиши оқибатида орттирган заҳарланган онги билан курашини очиб берадиган эпизодлар унинг терговчи Порфирий Петрович билан учрашувларидир. Муаллифнинг бош қаҳрамонни терговчи билан тўқнаштириши эса бежиз эмас. Айнан шу эпизодлар давомида Раскольниковда *Инсон* ғалаба қозонади, айнан шу тўқнашувларда “яра ёрилади” – жиноятчи ва унинг жинояти тўлиқ очилади.

Ҳатто қотиллик қилгандан кейин ҳам Родион Раскольников ўз “ғоя”сини тўғри деб ҳисоблаётган эди. У ўз хатти-ҳаракатлари билан ҳар қандай ҳолатда ҳам ўзининг “жиноят қилишга ҳуқуқи борлигини” исботлашга уринарди.

Қуйида Раскольников ва Порфирий Петрович ўртасидаги учта учрашувнинг ҳар бирига қисқача тўхталиб ўтамиз.

1-учрашув – Порфирий Петровичнинг квартирасида. Кампир ва унинг синглиси ўлдирилгандан сўнг, Раскольников Разумихиннинг ёрдами билан фоизга қарз берувчининг ўлдирилиши бўйича жиноят ишини олиб бораётган терговчи Порфирий Петрович билан танишишга қарор қилади. Разумихин Порфирийнинг узоқроқ қариндоши эди ва Раскольниковни унинг олдига олиб келади. Ташриф учун баҳона – Раскольников ломбардга гаровга қўйган ва ҳозир полицияда сақланаётган нарсалар (синглисининг узуги ва отасининг соати) эди. Гўёки, Раскольников бу нарсаларни Разумихин ва Порфирий орқали тезроқ қайтариб олмоқчидек туюлса-да, аслида эса Раскольников Порфирий билан тергов қандай кетаётганини билиш ва ундан шубҳаланишяптими ёки йўқлигини аниқлаш учун учрашади. Сухбат давомида қаҳрамонларнинг гап оқими Раскольниковнинг жиноят содир этилишидан бироз олдин ёзган “Жиноят ҳақида” номли мақоласига бурилади. Раскольников Порфирий ва унинг меҳмонларига ўзининг оддий ва фавқулодда одамлар ҳақидаги назариясига асосланган мақоласи моҳиятини тушунтиради. Терговчи Порфирий бир мунча вақтдан бери Раскольниковни жиноят содир этганликда гумон қилиб келарди, аммо бу учрашувдан сўнг у ўзининг гумони тўғри эканлигига янада амин бўлди. Шу билан бирга,

терговчи ўз шубҳаларини тўғридан-тўғри билдирмайди, Раскольниковга хужум қилмайди, фақат маслаҳатлар беради, имо-ишора ва қочиримлар қилади ва йигитни ўз сўзидан илинтиришга ҳаракат қилади. Раскольников терговчи нимадандир гумон қилаётганини сезади.

2-учрашув – Порфирий Петровичнинг идорасида. Иккинчи марта Порфирий Петрович ва Раскольников биринчи учрашувдан бир кун кейин унинг идораси – кабинетида учрашадилар. Раскольников ўлдирилган кампирга гаровга қўйган нарсаларининг ҳақини тўлаш ва қайтариб олиш учун ариза бериш мақсадида эрталаб соат 11 ларда идорага келади. Бу сафар Раскольников ва Порфирий ўртасидаги суҳбат яккама-якка ва янада кескинроқ бўлиб ўтади. Бу суҳбатда Порфирий ўзини кўпроқ такаббур ва дадил тутади, бу Раскольниковга ёқмайди. Йигитнинг жаҳли чиқиб, ўзини “қийноққа солишга” йўл қўймаслигини айтади, уни масхара қилмасликни, “ўрнатилган шаклда” сўроқ қилишни талаб қилади. Бу билан Раскольников яна терговчи олдида ўзини фош қилади. Бу суҳбат давомида бўёқчи Миколка хонага югуриб кириб, кампир ва унинг синглисини ўлдирганини тан олади (аслида Миколка ўзига тухмат қилаётган эди). “Тавба қилган” Миколканинг кутилмагандаги бу иқрори ва терговчи кабинетига бостириб кириши Порфирийнинг режаларини бузиб юборади. У Раскольников билан суҳбатни шартта тўхтатиб, уни идорадан ҳайдаб чиқаради.

3-учрашув – Раскольниковнинг хонасида. Порфирий Петрович ва Раскольниковнинг учинчи учрашуви иккинчи учрашувдан тахминан 4 кун ўтгач содир бўлади. Бу сафар Порфирий Петровичнинг ўзи Раскольниковнинг уйига ташриф буюради. Сўнгги кунларда йигит бироз тинчланган эди, чунки у Миколканинг ҳибсга олинганини ва иш деярли ёпилганини биларди. Бу учрашувда Порфирий Петрович ва Раскольников яккама-якка гаплашадилар. Терговчи кутилмаганда Раскольниковга жинояти ҳақида билишини айтади. Дўстона тарзда, у йигитга қисқа муддатли сургунга ҳукм қилиниши учун ўз айбига иқрор бўлиб келишни, жиноятини тан олишни, ўзини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи полицияга топширишни маслаҳат

беради. Порфирий жазони енгиллаштириш учун ҳаракат қилишга ваъда беради (кейинчалик у ўз сўзида туради). Шу билан бирга, Порфирийнинг Раскольниковга қарши ҳеч қандай расмий далиллари йўқ эди, у шунчаки унинг характерини билиб, унга психологик босим ўтказарди. Терговчи йигитга ўйлаш, ўзини полицияга топшириш учун 40-50 соат вақт беради. Акс ҳолда, уни ҳибсга олиш билан таҳдид қилади (аслида далиллар йўқлиги сабабли ҳибсга олиш мумкин эмас, лекин Порфирий Петрович бунни яширади). Шундай қилиб, терговчи Раскольниковни ягона тўғри қадамга – ўзини топширишга ундайди. Раскольников Порфирийга узил-кесил жавоб бермайди. Йигитни ўй-хаёллар, изтироблар ичида қолдириб, терговчи чиқиб кетади.

Учинчи учрашувдан бир кун ўтиб, Раскольников ниҳоят ўзини полиция маҳкамасига топширади. Кўп ўтмай унинг устидан суд бўлиб ўтади ва унга 8 йиллик сургун жазоси тайинланади. Порфирий Петровичнинг саъй-ҳаракатлари туфайли муддат ҳақиқатан ҳам қисқартирилади. Суддан кўп ўтмай, Раскольниковнинг синглиси Дуня Разумихинга турмушга чиқади. Порфирий Петрович бу тўйнинг меҳмонлари орасида эди. Шубҳасиз, Порфирий Петрович Раскольниковнинг энг ашаддий душманидан оиласининг дўстига айланади.

Қаҳрамоннинг терговчи билан биринчи учрашувида Ф.М.Достоевский унинг ғайритабиийлигини, хулқ-атворининг сунъийликка томон йўналиш олганлигини тасвирлайди. Бунни таъкидлашда муаллифнинг “у қаттиқ хижолат бўла бошлади”, “ташвишланиб ўйларди”, “ўзини ўзи лаънатларди”, “иложи борича хижолат бўлмасликка ҳаракат қиларди”, “сўзни бўлишга шошилди” каби фикрлари муҳим роль ўйнайди. Кейинчалик суҳбатда Раскольников ёлғон оҳангга дош беролмайди, ўзининг руҳий ҳолати ҳақида аччиқ ҳақиқатни эшитади: “бу унинг ичида чакмоқдек чакнади”, “давом этди ... бироз адашибди”, “чидай олмади ва жаҳл билан портлади, қора кўзлари ғазабдан ёнаётган эди...” сингари сифатлашлар билан ёзувчи Раскольниковнинг ички кечинмаларини тасвирлайди.

Бу учрашув қаҳрамоннинг чуқур ички кураши, “ғоя”нинг инсонпарварлик тамойили билан кураши исботидир. Раскольников ҳар онда ўзгаради: ҳақиқатни яширади, кейин ғазабланиб, кўнглини очади, кейин кулиб қотиб қолади, кейин бахтсиз ва ночор ҳолатга тушади. Раскольниковнинг жиноятчилик туйғусини енгиш, табиийдек кўриниш, ўз хатти-ҳаракатларини “ҳисоб-китоб қилиш” учун барча уринишларига карамай, унинг табиати ўзига хиёнат қилади. Родион Порфирий Петрович билан иккинчи дуэлга битта мақсадни кўзлаб боради: “ҳеч бўлмаганда, шу сафар, ҳеч бўлмаганда, бир маротаба унинг оғриқли, ғазабланган табиатини мағлуб этиш”. Қаҳрамоннинг биринчи фикрлари қуйидаги сатрлар билан ифодаланади: “Сиз кеча мендан бу ... ўлдирилган аёл ва унинг синглиси ҳақида ... расмий равишда ... сўрамоқчи эканлигингизни айтдингизми?”

Раскольников тўсатдан Порфирий билан бир марта алоқа қилишдан, бор-йўғи икки сўз, атиги икки қарашдан, унинг шубҳаси бир зумда даҳшатли даражада ўсиб кетганини ва бу жуда хавфли эканлигини ҳис қилади. Бу учрашувлар инсондаги одамгарчиликнинг юксаклигини, ўзидаги туйғуларни енгиб бўлмаслигини, қаҳрамоннинг туғма табиати унинг онгига буткул тобе эмаслигини яна бир бор исботлайди.

Характер характери очиб бериши, образ образни кашф этиши услуби асосига қурилган “Жиноят ва жазо” психологик романида Порфирий Петрович образи ҳам Раскольниковнинг характерини очиб беради. У уни “одатий шаклда” сўроқ қилишни истамайди, чунки у “одатий шаклда” сўроқ ёрдамида Родионни қўлга олиш мантиқан мумкин эмаслигини тушунади (Порфирий Петровичда жиноятни Раскольников қилганлиги борасида ички ишонч бор, холос, лекин унинг қўлида Раскольниковга қарши бирорта ҳам ашёвий далил йўқ. Агар Раскольников ўз қобиғига ўралиб оладиган бўлса, тергов боши берк кўчага кириши аниқлигини тажрибали изқувар сифатида у жуда яхши биларди!) Шунинг учун Порфирий Петрович Раскольников онги назорат қила олмайдиган тирик ва изоҳланиши мураккаб руҳга таянади. Шу сабабли ҳам расмий сўроқ ўрнига Раскольниковни мувозанатдан чиқариш,

хавотирга солиш, унинг кўнглида ғулғула пайдо қилиш, роман қахрамони учун чидаб бўлмайдиган оғриқли, сирли, ибтидоси номуайян ҳисларни кўзгайдиган суҳбат, айёрона ва эҳтиёткорлик билан олиб бориладиган зимдан тергов қилиш тактикасини қўллайди. У гўёки Раскольниковни мутлак ахлоқ қонунларига рўпара қилади, шу йўл билан терговчи Раскольниковга нима учун “жиноятчи қочиб кета олмаслигини” тушунтиради: “Қочиб кетади деган гап нимаси? Арзимайдиган гап; муҳими бу эмас; У қочиб кетишга жой йўқлиги учун эмас, у мендан психологик жиҳатдан қочиб кетолмайди, ҳе-хе... У мендан табиат қонунига кўра қочиб кетолмайди, гарчи унинг қочиб кетадиган жойи бўлса ҳам. Сиз шам атрофида учган парвонани кўрганмисиз? У менинг атрофимда шам атрофида айланган парвонадай айланаверади; ёрут дунё кўзларига қоронғу бўлиб кетади, боши қотиб ўйланаверади, калаваси чуваланиб қолади, ипининг учини йўқотиб қўяди, тўрга тушгандай чалкашиб, дунё кўзларига тор кўриниб кетади!.. Бу ҳам майлия: унинг ўзи икки карра икки тўрт бўлади деганга ўхшаш бир нарсани қўлимга тутқазиб қўяди, – фақат унга кўпроқ вақт берилса, бас... Ва доим менинг атрофимда парвона бўлиб чарх ураверади, борган сари яқинлашиб келаверади, ва ниҳоят қарабсизки, – плўқ! Тўғри менинг оғзимга қанот қоқиб кириб кетади ва мен уни ютиб юбораман, биласизми, бу жуда ҳам маза бўлади ҳе-хе-хе! Ишонмайсизми?” [2]

Раскольников учун жазо – бу жиноят ҳисси. Бу туйғу унинг ҳисоб-китоблари ва ҳаёти ўртасидаги келишмовчиликни кучайтиради. Раскольников жиноят қилмаганига ўзини ишонтира олмайди. Жиноят содир бўлганидан кейин у ўзини “оддий” одамдек кўрсатиб, ҳар қадамда ўзига ҳам, бошқаларга ҳам ёлғон гапиришга мажбур бўлади. Бу унда кўрқув туйғусини келтириб чиқаради: унга ҳар доим одамлар бу ёлғон ва ўйинни сезадигандек туюлади. Табиатан самимий ва ростгўй инсон Раскольников, унинг учун “кундек равшан, арифметика каби аниқ” бўлиб, у томонидан содир этилган қотиллик “жиноят эмас”, қолаверса, содир этилган қотилликнинг барча далиллари йўқ қилинган.

Раскольников назарияси шахсан Порфирий Петровичга таъсир қилади. Терговчи, эҳтимол, Раскольников каби ўйлаб кўрмаган. Порфирий вазиятни аниқлаштириш билан банд эмас, балки у бутунлай бошқача йўл тутди: у терговнинг муваффақияти ҳақида эмас, Раскольниковнинг “олий, фавқулодда одамлар тоифасига” киришга журъати ҳақида кўпроқ бош қотиради ва унинг эҳтимолларини чамалашга, имкониятларини баҳолашга уринади. У шуни билардики, қоидабузарлик қасос олиш истагини келтириб чиқаради. Бунақада тергов беҳуда курашга, шахсий ҳисоб-китобларга айланиб кетарди. Чунки қасосда хўрлаш, хафа қилиш истаги бор. Порфирий Петрович ўз “қурбони”ни завқ билан ҳайратда қолдиради, ўз кучини намойиш этади: мен “бир бечора терговчи”ман, лекин мен сизни ютиб юбораман, жаноб Наполеон, дейди у гўё. Дастлабки иккита жангда қаҳрамонларнинг ҳар бири иккинчисини “энг паст даражага” туширишга интилади. Айниқса, иккинчи учрашувда ўзининг “қурбонини” тўлиқ масхара қилиб Порфирий Петрович уни охиригача мот қилишни хоҳлайди, эшик ортида ўтирган одамга шама қилиб: “Сюрпризни кўришни хоҳламайсизми?”, дейди.

Лекин бирдан ҳамма нарса ўзгаради. Терговчини “ўз айби”ни бўйнига олган Миколкадан кутилмаган совға кутарди. Миколканинг бу эътирофи Порфирий Петровични ҳайратда қолдиради ва унинг барча олдинги режаларини бузиб юборади. Шундан сўнг у гўё қайта туғилгандек бўлади. Унинг ўзи Раскольниковнинг олдига боради: хулқ-атвори, ўзини тутиши ҳам ўзгарган. Порфирий бу сафарги учрашувда қичқирмайди, сабрсизликдан ҳаяжонланиб у ёқдан бу ёққа югурмайди, балки бир жойда сокин ўтиради. Унинг Раскольниковга айтган сўзлари хайрихоҳлик руҳи билан йўғрилган. “Ютиб юбориш” эмас, балки Раскольниковни қутқариш бош мақсадга айланади. Қаҳрамон бу кутилмаган контрастдан ҳайратда қолади.

Қаҳрамоннинг терговчи билан учинчи учрашувида Раскольников “таслим бўлди”. Қаҳрамон расмий жазо учун эмас, балки руҳан таслим бўлади. Шунинг учун Достоевский қаҳрамоннинг ўз устида ўтказган шахсий ҳукм жараёнини батафсил тасвирлайди, унинг азоб орқали яна иймонга

кайтишини, ундаги виждон ва инсофнинг қайта тирилиши сифатида баҳолайди. Ҳамма муаммо қаҳрамоннинг қалбида ҳал қилинади, у одамлар билан “алоқани узиш”ни жуда оғриқли ҳис қилади. Бу “одамлардан ажралиш” туйғуси Раскольниковнинг улар орасида ва улар билан яшашини имконсиз қилиб қўйди. Оқибатда қаҳрамон полиция маҳкамасига бориб, ўз айбига иқроп бўлади: “Ўшанда кампир билан унинг Лизавета деган синглисини мен болта билан чопиб ўлдирган эдим ва нарсаларини ўғирлагандим”.

Хуллас, Раскольниковнинг ўз айбини тан олиши терговчининг маънавий ғалабаси ва инсондаги асл табиат ғалабасининг исботига айланади. Раскольников ўзига, ўзининг табиатига нисбатан унинг заҳарланган онги ўтказган зўравонликка чидай олмади, унинг “назарияси” ёлғон бўлиб чиқди. Шундай қилиб, романда одамни одам томонидан ўлдириш ғайритабиийлик эканлиги, инсонпарварлик тамойилини, ахлоқий қонуннинг мутлақлигини бузиб бўлмайди, деган фикр тасдиқланади. Порфирий Петрович романга Раскольниковни унинг “назариясидан” қутқариш учун келгандек гўё. У қаҳрамонга ажойиб бир тилак тилайди: “Оламтоб офтоб бўлинг, ана унда ҳаммага кўриниб турасиз”.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Достоевский Ф.М. Письма. 98. М. Н. Каткову. 10(22)—15(27) сентября 1865. Висбаден // Достоевский Ф.М. Собрание сочинений в 15 томах. Т.15. – СПб: Наука, 1996. – С. 273–276.

<https://rvb.ru/dostoevski/01text/vol15/01text/442.htm>

2. Достоевский Ф.М. Жиноят ва жазо: роман. // Иброҳим Ғафуров таржимаси. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 1977.